

“ТАСДИКЛАЙМАН”

“ЖИЗЗАХ ХЭТК” АЖ

Б.Х.Ибрагимов

2022 йил



1. Гаше сиргэ кайми 1-020-45100076 (бид ишнада) из таңлов шартынан жарнамаларни тасдиқлашади. Улар кийинде солиқ хизматдаги таңловчадан таңловчади жаңы тасдиқлашади.

2. Бид таңловчада тасдиқлашадиган таңловчада таңловчади таңловчади тасдиқлашади.

Энг яхши таклифларни танлаб олиш буйича

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

“ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ЗОМИН ТУМАНИДА КУРИЛАЁТГАН 220/110/30/10 кВли “ДНС-2” НИМСТАНЦИЯДАН ЧИКУВЧИ 110 кВ “Л-ДНС-3-1,2” ХАВО ТАРМОГИНИ КАЙТА ТАЪМИРЛАШ ”..

ЖИЗЗАХ и – 2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

Танлов иштирокчиси учун йўриқнома

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: “ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ЗОМИН ТУМАНИДА КУРИЛАЁТГАН 220/110/30/10 кВли “ДНС-2” НИМСТАНЦИЯДАН ЧИКУВЧИ 110 кВ “Л-ДНС-3-1,2” ХАВО ТАРМОГИНИ КАЙТА ТАЪМИРЛАШ ”.

Жами бошланғич сума : 1 020 469 068,76 сўм

- 1.1. Танлов охирги қиймати - 1 020 469 068,76 (бир миллиард йигирма миллион турт юз олтмиши туккиз минг олтмиши саккиз сум йетмиши олти тийин). Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.2. Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмидаги илова қилинади.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

- 1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 20 календар кун.
- 1.4. Ишларни бошлаш муддати – 30 аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 2.1. **ЖИЗЗАХ ХЭТК АЖ** (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.
“Буюртмачи” манзили: Жиззах шаҳар Навруз маҳалласи Богзор кучаси 60 уй
- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.
- 2.3. Танлов **ЖИЗЗАХ ХЭТК АЖ** “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Таклиф этилган шартлар бўйича тендерда мурожаат билан маҳаллий ва хорижий курилиш ташкилотлари иштирок этишлари мумкин. Икки ёки ундан ортиқ пуррат ташкилотлари биргаликда (консорциум ташкил этиш оркали) иштирок этишларига рухсат этилмайди.

Тендерда иштирок этиши учун иштирокчиларга куйидаги талаблар куйилади:

Танловда мулкчилик шакли шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 10 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Тендерда иштирок этиши учун иштирокчиларга куйидаги талаблар куйилади:

- Ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
- Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳукукий лаёкат ва ваколатлар;
- Уз айланма маблаглари билан таъминланганлиги (курсаткич 0,2 коэффицентдан кам булмаган);
- Туловга кодирлиги (курсаткич 1,25 коэффицентдан кам булмаган);
- Тендер катнашчисининг курилиш соҳасидаги электрон рейтинг даражаси энг камида “ССС” даражада булиши лозим.
- Танлов обьектига ўхшаш обьектларга ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
- Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (70 %дан кам бўлмаган ҳолда).
- Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 10 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаш зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнида иштирок этиш рухсат берилмайди:

- Қайта ташкил этиш (ажратилиш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;
- Мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, ҳолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

- 4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда порталга электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.
- 4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

- 4.3. Танлов хужжатларида қуидагилар тақдим этилиши лозим:
- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қуидаги техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
 - Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўлов талаблари ва якуний тўловлар, ҳамда бошқа кўрсатгичлар кўрсатилган бўлиши керак
- Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифни электрон тарзда etender.uzex.uz махсус электрон савдо порталида жойлаши лозим.
- 4.4. Қуидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:
- Техник ва нархлар бўйича қуидаги таклифлар:

- 4.5. Танлов иштирокчиси : - ФАҚАТ БИТТА таклиф бериши мумкин;
- 4.6. Тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларининг хаққонийлигига ўзи жавобгар бўлади.

Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1.Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.
- 5.2.Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдирлар.
- 5.3.Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилганидан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

- 6.1.Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугаган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Танловни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгаришилар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгаришган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгариш киритилади.
- 6.2.Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб

тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориш шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

- 6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда, ундан олдин олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундан сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
- 6.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.